

157 -сонли ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

«19» Сентябрь 2022 йил

Жиззах ш

«ART PREMIUM TRADE STAR» маъсулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда - «Сотувчи») низом асосида иш олиб боровчи номидан Алмуродов М. орқали бир томонидан ва Исмаилов Басирбек (кейинги ўринларда - «Харидор») Ишраф асосида иш олиб боровчи номидан Ф.Т. Қодирова орқали иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни «Харидор»нинг мулки қилиб беради. «Харидор» эса мол-мулкнинг ҳақи тўлангандан кейин олиш ҳуқуқига эга бўлади.

1.2. Махсулот тўғрисида маълумот:

№	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Сумма	ККС		ККС билан ҳисобланган ҳолда
						%	Сумма	
1	Pol Avtomat ART 6kg	дона	16	1565217.39	25043478.26	15	3756521.74	28 800 000
2								
3								
4								
5								
6								
7								
8								
9								
10								
11								
X	Жами:	X	X	X				28 800 000

2. ШАРТНОМА НАРХИ (ҚИЙМАТИ)

2.1. Шартнома баҳоси Йигирма саккиз миллион саккиз юз минг сум

3. ТўЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ МУДДАТИ

4.1. Харидор томонидан шартноманинг умумий суммасини олдиндан 30 % тўловни амалга оширади. Қолган 70 %и махсулотни олган кундан бошлаб ҳсб фактурага асосан тўлаб берилади.

4.2. Харидор Сотувчининг ҳисоб рақамига аванс пул ўтказгандан сўнг, сотувчи харидорга мол-мулкни 3 кун вақт ичида бериши шарт.

4.3. Мазкур шартнома Ҳазначилик органларидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва «31» декабр 2022 йилгача амал қилади.

5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. **Сотувчи мажбурияти.**

5.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор» мол-мулкни бериш;

5.1.2. Тегишли даражада сифатсиз махсулот юборилганлиги тўғрисида хабарнома олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 3 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган махсулот баҳосини қайтариб бериш.

5.2. **Харидор мажбурияти:**

5.2.1. Махсулотни олиб ҳисобварк-фактура тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида махсулотни ўзи олиб кетади. (ёки сотувчи томонидан етказиб берилади) (шартнома шартидан келиб чиққан ҳолда кераклиси танланади).

5.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган махсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида сотувчини огоҳлантириш.

5.2.3. Махсулот баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Тарафларнинг бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда бу тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди.

6.2. Сотувчи мол-мулкни тўлик етказиб бермаганлиги учун Харидорга етказиб берилмаган ҳар бир кун учун махсулот баҳосининг 0.5%и миқдорда жарима тўлайди. лекин бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган махсулот баҳосининг 50%идан ошиб кетмаслиги зарур.

6.3. Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни ўз вақтида алмаштиришдан бош тортса, Сотувчи оловчига кечиктирилган ҳар бир кун учун сифатли бўлмаган махсулот баҳосининг 20 %и миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Махсулот учун сотиб олувчи ўз вақтида тўламаганлиги учун сотиб олувчи сотувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4%и миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир).

7.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

7.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

8. НИЗОНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввал тарафларнинг келишувчи билан ҳал қилинади.

8.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди орқали ҳал қилинади.

9. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилиб тегишли Газначилик органларидан руйхатдан утгандан сунг юридик кучга эга булади.

9.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

10. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. Ушбу шартнома тарафлардан ҳар бири учун ҳақиқий, бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусxada тузилди.

10.2. Шартномага илова: Гувоҳнома

11. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»

«ART PREMIUM TRADE STAR» МЧЖ

Манзил: Жиззах шаҳар М.Улугбек мах

Ҳ/р: 20208 000 905 405 390 001

Банк номи: АТИБ «Миллий банки» Жиззахфилиали

МФО 00121 ИНН: 308 595 077

ОКЭД:

Тел: (90) 025-22-82

Тел/факс: 93 613 2727

Раҳбар:



Алмуродов М

М.Ў.

«ХАРИДОР»

Миллод бешоғ МШБ (ҳаридор номи)

Манзил: К.С.У. Келишувчи Сайминов

Тел/факс: 72-205-93-47

ШҲх*:

Ташкилотнинг СТИРи: 202382100

ИФУТ:

Газначилик булинмасининг номи: 406020860084017031101179004

ЯГҲ 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб касса маркази

(ҲККМ) МФО:00014

Газначилик булинмасининг СТИРи: 201 122 919

Буюртмачи

раҳбари: _____

(лавозим) (Ф.И.О)



(имзо)

М.Ў.

Изоҳ:

*- буюрмачилар ёки капитал қуйилма буюрмачиларнинг тегишли шахсий газна ҳисобварағи (ёки шахсий газна ҳисобварақлари) курсатилади.

Юрист хулосаси: ушбу шартнома «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга мос равишда тузилган.

Ҳуқуқшунос:

В.Ашманов

Гувоҳнома № _____